

2 - 2. «Ушбу Китобда ҳеч шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир».

21:39 / 19.04.2017 3751

﴿نِي قَوْمٍ لَّيْسَ لَهُمْ فِي بَيْتِ الرَّبِّ كُنُوزٌ﴾

2 - 2. «Ушбу Китобда ҳеч шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир».

Яъни «Қуръони карим шундай Китобки, унинг ҳақлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Унда ҳамма нарса очиқ-ойдин, аниқ-равшандир».

Қуръони каримнинг яна бир сифати шуки, у «**тақводорларга ҳидоятдир**». Ҳидоят мақсадга эриштирувчи йўлни лутф билан кўрсатишдир. Тақводорлар эса уқубатга элтувчи нарсалардан сақланадиган шахслардир. Демак, Қуръони карим ҳидоятдан баҳраманд бўлиш учун тақводор бўлиш керак экан. Кимки Қуръони каримдан ҳидоят олибдими, демак унда тақво бор экан.